

Қўлёзма ҳуқуқида  
ББК: 65.271(5У) +65.261.4(5У)

**Баймуратов Турсунбай Махкамбаевич**

**Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни  
солиққа тортиш механизмини  
такомиллаштириш**

08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Диссертация Тошкент Молия институтининг  
«Солиққа тортиш ва суғурга иши» кафедрасида  
бажарилган

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Абдуллаев Ё.А.

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Олимжонов О.О.

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Шеннаев Х.М.

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ  
қўмитасининг Солиқ академияси

Диссертация 2004 йил «1» май соат «14<sup>30</sup>» да Ўзбекистон  
Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши  
академияси қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш  
учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.10.02 рақамли Бирлашган  
ихтисослашган кенгаш мажлисида ҳимоя қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йилнинг «24» 05 да тарқатилади.

**Бирлашган иختисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди,**

## I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Таъқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган қатор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда иқтисодий фаолиятнинг ўзаро уйғун дастаклари мажмуи - бозор институтларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга устуворлик бериш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва ишончли тараққиётини таъминлашда суғурта фаолиятини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. “Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири - тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда”<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда бу соҳада 20 дан ортиқ компания иш юритмоқда ҳамда улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга 150 дан кўпроқ турдаги суғурта хизматлари кўрсатиламоқда<sup>2</sup>.

Суғурта маҳсулот ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, капитал, ишчи кучи, маҳсулот экспорти ҳамда импорти, ишлаб чиқариш интеграцияси кабилар билан узвий боғлиқликда амалга ошириладиган фаолиятлари рисклардан ҳимоялашга, шунингдек, у ҳар бир субъектнинг ўз фаолиятини кенгайтиришига, инвестицияларни ишончли жойлаштиришига, кредит олиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда суғурта соҳасининг самарали фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш унинг қатор янги вазифа ва муаммоларини ҳал этиш заруратини келтириб чиқарди.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда бозор инфратузилмаси шаклланиб бораётган ҳозирги шароитда:

- *биринчидан*, юридик ва жисмоний шахсларнинг рисклардан ҳимоясини халқаро андозалар даражасида йўлга қўйиш, суғурталанувчилар томонидан мазкур хизматни тўлалигича ўзлаштириш учун унинг ҳуқуқий-иқтисодий асосларини мукамаллаштириш заруратининг мавжудлиги;

- *иккинчидан*, суғуртанинг тадбиркорлик фаолияти сифатида, ташкилий-услубий шаклланиши ва такомиллашуви жараёнининг давом этаётганлиги;

- *учинчидан*, суғурта муносабатларини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг самарали шаклларда амалга оширилишини йўлга қўйиш талаб этилаётганлиги;

- *тўртинчидан*, суғурта фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштиришнинг заруралиги;

- *бешинчидан*, бу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва роли иқтисодчи-олимаар томонидан илмий-назарий жиҳатдан чуқур

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза // “Халқ сўзи” газетаси, 2003 йил, 18 февраль.

<sup>2</sup> Манба: <http://www.uzreport.com/uz>.

ўрганилмаганлиги бу йўналишда илмий-тадқиқот ишини олиб боришни доаларб қилиб қўйди.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Суғурта фаолияти муаммоларини ўрганиш борасида қатор етакчи хорижий иқтисодчи-олимлар, хусусан, А.Смит, Д.Рикардо, В.Парето, Дж.Стиглер, Е.Коньшин, С.Брю, К.Макконнелл, Д.Форесъети, Д.Бланд, А.Гвозденко, С.Ефимов, А.Рейтман, Л.Орланюк-Малицкая, Ю.Журавлёв, Р.Юлдашев, К.Турбина, Й.Циммерманн, Д.Хэмpton, В.Шахов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида қайд этиш лозим.

Мазкур масаланинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимлари М.Шарифхўжаев, Ҳ.Собиров, Ё.Абдуллаев, О.Олимжонов, Т.Маликов, О.Номозов, Н.Ҳайдаров, М.Йўлдошев, Ш.Имомов, Э.Гадоев, С.Умаров, Қ.Яҳёев, Х.Шеннаев, М.Мирсодиқов ва бошқаларнинг илмий асарлари, мақолалари, матбуотдаги чиқишларида ўз аксини топган.

Бироқ, айна пайтгача ўзбек иқтисодий адабиётида суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишга бағишланган яхлит илмий иш бажарилмаган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Мамлакатимизда суғурта фаолиятининг муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари, хусусан, уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсадидир.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация ишини бажаришда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ҳамда илмий-назарий асосларини ўрганиш;
- назарий-амалий жиҳатдан янги бўлган тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳиятини талқин этиш;
- иқтисодиёт субъектларининг рисклардан ҳимояланишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, улар фаолиятини суғурталашнинг самарали йўллари, асосий тамойиллари ва турларини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда суғурта фаолияти ривожланишини етакчи суғурта ташкилотлари мисолида ўрганиш, бу борада эришилган ютуқларни таҳлил этиш, шунингдек, мазкур соҳа олдида турган вазифаларнинг ечимларини ишлаб чиқиш;
- мамлакатимизда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини таҳлил қилиш;
- мамлакатимизда ягона мақсадга бўйсундирилган яхлит тизим сифатида суғурта фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;
- муқобил солиққа тортиш механизми сифатида суғурта бадалларидан солиқ турининг оптимал шаклини танлаш ва уни жорий этиш юзасидан тавсиялар тақдим этиш.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар илмий изланишнинг предмети

ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг объекти.** Ўзбекистон Республикаси суғурта тизимидаги («Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси (ЭИМСК), «Ўзагросуғурта» ва «Кафолат» Давлат акционерлик суғурта компаниялари (ДАСК), «Мадад» суғурта агентлиги (СА) каби) етакчи суғурта ташкилотлари тадқиқотнинг объектидир.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари.** Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент И.Каримовнинг молия, солиқ ва суғурта фаолиятига бағишланган асарлари тадқиқотнинг назарий-услубий асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг маълумотлари ва ҳужжатлари, иқтисодчи-олимларнинг монографик ишланмалари, шунингдек, илмий изланишларининг натижалари ҳамда матбуотда эълон қилинган далиллар, муаллифнинг ўз ҳисоб-китоблари мазкур илмий тадқиқот ишининг ахборот базаси ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли-таркибий, функционал, қиёсий, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез каби усуллардан фойдаланилди. Улар ўз навбатида, мамлакатимизда суғурта соҳасини ривожлантириш муаммоларини ўзаро боғлиқликда атрофлича ўрганиш, унинг мақсадли фаолият сифатида талабга мос бўлишини таъминлаш ишига хизмат қилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Диссертацияда:

- Ўзбекистон иқтисодиётида туган ўрнига кўра суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти асосланди;
- рисклар трансфери ва трансформацияси жараёни суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш босқичлари сифатида талқин этилди;
- суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми ўрганиб чиқилди ва уни такомиллаштириш омиллари кўрсатилди;
- Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ҳозирги ҳолати ўзаро алоқадор бўлган тамойиллар асосида ўрганилди ҳамда унинг стратегик ривожланиш йўллари ишлаб чиқилди;
- мамлакатимизда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда такомиллаштириш йўллари, хусусан, мазкур фаолиятдан ундириладиган даромад(фойда) солиғи ўрнига суғурта бадалларидан солиқ турини жорий этиш илмий асосланди;
- мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, қиёсий ёндашув асосида халқаро суғурта фаолиятининг иқтисодий-ташқилий жиҳатлари очиб берилди.

Диссертация ишида илмий аҳамиятта молик бўлган бошқа тақлиф ва мулоҳазалар ҳам мавжуддир.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Диссертацияда суғурта фаолиятини ривожлантириш ва уни солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш йўллари баён этилган ҳамда унда илгари сурилган тавсия-тақлифлар қуйидаги йўналишларда, яъни:

- суғурта фаолиятини рисклар трансфери ва трансформацияси ҳамда

кўрилган зарарларни қоплаш воситаси сифатида самарали ташкил этилишини таъминлашда;

- суғурта фаолияти субъектларининг кенг қамровли ўзаро муносабатларини тартибга солишда;

- суғурта ташкилотларидан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда;

- суғурта фаолиятини солиққа тортиш борасидаги сиёсатни янада такомиллаштиришда;

- давлат таълим стандартларига мувофиқ “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Суғурта иши” каби йўналишлар ҳамда мутахассисликларга дахлдор туркум фанлар, шунингдек, махсус курслардан машғулотлар ўтказишда ўз татбиқини топиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларини синов ва муҳокамадан ўтказилганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича билдирилган илмий-амалий тавсиялар тегишли ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги “Бюджет-солиқ сиёсати” маркази (маълумотнома № 25/15-05, 2002 йил 11 ноябрь), шунингдек, “Ўзбекинвест” ЭИМСК томонидан (маълумотнома № 01/607, 2002 йил 12 сентябрь) ўз фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда стратегик ривожланиш йўналишларини ишлаб чиқиш учун қабул қилинган. Тошкент Молия институтида ҳам бу ишланмалар бакалавр ва магистрларни тайёрлаш борасида кенг қўлланилмоқда.

Диссертация натижалари Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида ташкил этилган илмий семинарда, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Банк-молия тизимини ривожлантириш тадқиқотлари» маркази қошидаги муаммовий Кенгаш семинарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги «Иқтисодиёт» йўналиши бўйича муаммовий илмий семинарда муҳокамадан ўтказилиб, ҳимояга тавсия этилган.

**Нашр қилинган илмий ишлар.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 15 дан ортиқ мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 4,6 босма тобоқни ташкил этади.

**Илмий ишнинг таркибий тузилиши.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация жами 144 сазифадан иборат бўлиб, 11 чизма, 11 диаграмма, 12 жадвал ва 15 илова материалларини ўз ичига олади.

## II. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган қатор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда бозор институтларини, жумладан, суғурта соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга устуворлик бериш муҳим омил ҳисобланади.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда суғурта бир томондан, айнан рискдан ҳимоя воситаси ҳисобланса, иккинчи томондан, у

тадбиркорлик фаолияти ҳамдир. Шу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, суғурта фаолияти, унинг функционал моҳияти билан узвий боғлиқ бўлган хизматларни ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатишга қаратилган (унинг мулкӣ шакли, бошқарув тизими ва бошқа иқтисодий омиллар билан ўзаро боғлиқ бўлган) савй-ҳаракатлар мажмуасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суғурта ташкилоти томонидан суғурталаш, ўзаро суғурталаш ва қайта суғурталаш операцияларини амалга оширишда ҳар қандай суғурта тури бўйича тарифлар ҳисоб-китоби(актуар ҳисоб-китоблар)да аниқ суғурта объектининг қиймати ҳисоблаб чиқилади. Умуман актуар ҳисоб-китоблар ёрдамида суғурта хизматини ҳамда суғуртачи томонидан суғурталанувчига кўрсатиладиган хизматнинг қанча туриши аниқланади. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан нетто-ставкани ҳисоблаш амалиётида бирмунча мураккаброқдир.

Суғуртанинг назарий-услубий асосларидан келиб чиқиб, шуни қайд этиш лозимки, суғуртачининг асосий мақсади айнан захира маблағларидан самарали фойдаланиш орқали даромад олишдан иборатдир.

Давлатнинг суғурта соҳасидаги фаолиятига тўхталадиган бўлсак, қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мамлакатда суғурта фаолиятини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- суғурта ҳимоясини таъминлашда субъектлар манфаатини ўзида акс эттирувчи механизмни яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси суғуртачилар ассоциациясининг ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш;

- Молия вазирлиги қошида ташкил этилган махсус ваколатли Давлат органи билан суғуртачи субъектларнинг ўзаро манфаатдорлигига асосланган ҳамкорлик, маслаҳатли масалаларни ҳал этувчи механизмни шакллантириш;

- суғурта фаолиятига оид қонулар мажмуасига ўзгартиришлар киритиш ва такомиллаштириб бориш;

- суғурта ташкилотларининг барқарор фаолият кўрсатишларини таъминлаш воситаси сифатида солиқ имтиёзлари ва шу каби бошқа рағбатлантирувларнинг самараси юқори бўлишига эришиш;

- суғурта фаолиятининг илмий-тадқиқот базасини (масалан, суғурта муаммолари билан шуғулланувчи илмий-текшириш институтини) яратиш;

- мамлакатимиз тараққиётининг «Ўзбек модели»га асосланган ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда хорижий суғурта ташкилотларининг фаолият юритишлари учун амалда бўлган механизмни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш ва шу қабилида.

Кейинги йилларда давлат томонидан суғурта фаолиятининг қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда ўзининг дастлабки ижобий самарасини бера бошлади.

Суғурта фаолиятида ҳисобот даври учун зарарларни тақсимлаш шакли турли усуллардан фойдаланиб аниқланади ва амалга оширилади. Бу рисклар трансфери ва трансформацияси жараёни бўлиб, у келгуси илмий тадқиқотлар учун ҳам асосдир.

Эркин бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида суғурта фаолияти ривожини унун зарурий объектив шарт-шароит юзага келди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар субъектларнинг суғурта фаолиятига бўлган муносабатларини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, суғурта бадаллари ҳажми кўрсаткичларида ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳамда суғуртанинг бошқа турлари бўйича талаб ва таклиф ўртасида тафовут мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан, сўнгги йилларда турли мулкчиликка асосланган иқтисодиётда, бир томондан, жисмоний шахслар мол-мулкларини ихтиёрий суғурталаш кўламининг ортиши; иккинчи томондан, юридик шахслар унун суғурта ташкилотлари суғурта “маҳсулот”ларининг янги турларини таклиф этишлари ҳисобига ихтиёрий мол-мулк суғуртасининг имкониятлари намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда 1999-2003 йилларда суғурта бадаллари тушуми улушининг ўсиши бўйича унунг ривожланиш кўрсаткичларида (1-жадвал) ихтиёрий мол-мулк суғуртаси бўйича бадаллар суммаси ҳажмининг барқарор ортганлиги кузатилади. Келтирилган йиллар бўйича бу кўрсаткичнинг ўртача 65,6 фоиздан кўпроғи ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳисобига тўғри келганлигини, яъни суғурта портфели асосан унунг ҳисобига шакллантирилганлигини таъкидлаш лозим.

**1-жадвал. Суғурта бадаллари тушуми улушининг ўсиши бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%)**

1999-2004 й.

Суғуртанинг тармоқлари	Й И Л Л А Р					
	1999	2000	2001	2002	2003	2004 (прогноз)
Ихтиёрий суғурта бўйича жами	63,9	71,4	78,2	84,1	87,8	89,4
- ихтиёрий шахсий суғурта	9,3	8,8	6,9	7,4	5,6	5,0
- ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	51,8	60,1	66,3	72,3	77,7	79,8
- ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	2,8	2,5	5,0	4,4	4,5	4,6
Мажбурий суғурта	36,1	28,6	21,8	15,9	12,2	10,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган (2004 йил кўрсаткичлари экстраполяция маълумотларидир).

Мамлакатимизда кейинги йилларда ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси ҳам ривожланиб бормоқда. Мазкур суғуртанинг келтирилган йиллар давомида умумий бадаллар тушумидаги улушининг ортиб бориши унунг катта имкониятларини намоён этмоқда.

Ихтиёрий шахсий суғурта бўйича шуни қайд этиш мумкинки, унунг мазкур йилларда, 1999 йилга нисбатан мос равишда улуши камайганлиги кузатилади. Шунингдек, келтирилган йиллар давомида мажбурий суғурта бўйича бадал тушумлари суммаси ҳам камайиб бораётганлиги кўзга ташланди. Бу мамлакатимизда бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда суғурта муносабатларининг эркинлашуви жараёнида устуворлик ихтиёрий суғуртани ривожлантиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган йилларда суғурта ташкилотлари томонидан суғурта бадалларини ундириш ҳажми барқарор ўсиш хусусиятига эгадир.



Суғуртанинг моҳиятидан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қоплама тўловлари суғурта ҳодисалари юз берганда амалга оширилади. Суғурта турлари бўйича қопламалар суғурта бадалларидан шакллантирилган фонд ҳисобидан тўланади.

Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, келтирилган 1999-2003 йилларда умумий қоплама тўловлари ҳажмида (2-жадвал) мажбурий суғурта бўйича тўловлар ўртача 30,9 фоиздан ортиқроқ даражада бўлган.

**2-жадвал Суғурта қопламаси тўловларидаги улушлар ҳажми бўйича Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш кўрсаткичлари (%) 1999-2004 йй.**

Суғуртанинг тармоқлари	Й И Л Л А Р					
	1999	2000	2001	2002	2003	2004 (прогноз)
<b>Ихтиёрий суғурта бўйича жами</b>	<b>52,0</b>	<b>66,7</b>	<b>52,5</b>	<b>90,3</b>	<b>83,8</b>	<b>85,9</b>
- ихтиёрий шахсий суғурта	6,0	6,0	5,9	12,7	15,5	17,2
- ихтиёрий мол-мулк суғуртаси	40,7	58,4	42,2	71,0	61,6	61,5
- ихтиёрий жавобгарлик суғуртаси	5,3	2,3	4,4	6,6	6,7	7,2
<b>Мажбурий суғурта</b>	<b>48,0</b>	<b>33,3</b>	<b>47,5</b>	<b>9,7</b>	<b>16,2</b>	<b>14,1</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган (2004 йил кўрсаткичлари экстраполяция маълумотларидир).

Ўзбекистонда эркин бозор муносабатлари қарор топаётган шароитда ихтиёрий суғурта бўйича қоплама тўловларининг улуши ўртача 69,1 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2000-2003 йилларда амалга оширилган жами қоплама тўловлари ҳажмида ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ҳисобига ўртача 54,8 фоиз улуш тўғри келганлиги таъқиқот давомида аниқланди.

Мамлакатимизда катта ҳажмдаги қоплама тўловлари амалга оширилиши ҳисобига ихтиёрий мол-мулк суғуртаси ўзининг салмоқли ўрнини сақлаб қолмоқда. Кейинги йилларда суғуртачиларнинг суғурта портфели асосан салбий оқибатларга олиб келмаганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий натижаси ундирилган бадаллар ҳамда вақтинчалик бўш турган маблағларни инвестицияга йўналтиришдан олган даромадлар суммасига тенгдир. Бу кўрсаткич амалга оширилган қоплама суммаси ва суғурта захирасининг белгиланган даражадаги меъерий ўсиши суммасига камайтиради. Умуман суғурта фаолиятининг ялпи “маҳсулот”и олинган даромад ва тўланган суғурта қопламалари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Миллий даромадни қайта тақсимлаш механизмларидан бири бўлган солиқлар орқали давлат бюджети даромадларини шакллантириш ҳамда иқтисодий тартибга солиш механизми сифатида улардан самарали фойдаланиш, айниқса, солиқ тўловларини амалга оширишда томонлар манфаатларини мувофиқлаштириш каби масалаар мамлакатимизда юридик шахслар мақомига эга бўлган суғурта ташкилотлари фаолиятларининг ривожига таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади.

Суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган солиқлар хилма-хилдир.


Улар томонидан тўланадиган солиқлар тизимида юридик шахсларнинг даромади(фойдаси)га солинадиган солиқ ўзига хос хусусиятларга эга.

Суғурта ташкилотларини солиққа тортиш масаласида солиқ базаси ва ставкаси муҳим ҳисобланади. Хусусан, суғурта ташкилотининг солиққа тортиш базасини аниқлашда асосий даромад ва харажатлар ҳисоби ўзига хослиги билан фарқ қилади. Суғурта бадаллари тушуми билан даромад(фойда) солиғи суммаси ўсиши ўртасида катта фарқ юзага келади. Бундай тафовутнинг ортиб бориши суғурта ташкилоти томонидан суғурта қопламаси амалга оширилган ҳолатларда, шунингдек, харажатлар таркиби ўзгариши оқибатида ҳам кузатилади.

Суғурта ташкилоти даромадларини (чизмага қаранг) асосий фаолиятдан ҳамда инвестиция ва бошқа фаолиятлардан олинган даромадларга гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир. Шунда суғурта ташкилоти томонидан кўрсатилаётган асосий фаолият натижаси(фойда ёки зарар)ни аниқлаш имконияти ортади ҳамда унинг кўлами аниқ намоён бўлади.

Чизма.

### Суғурта ташкилотлари даромадларининг манбалари ва таркиби



Солиққа тортиш базасини шакллантиришда суғуртачининг жами даромадлари ва уларнинг таркибини, назарий-амалий жиҳатдан даромадлилик меъёрлари ўзгаришининг ҳам таъсирини ҳисобга олиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, суғурта ташкилотлари учун даромадлилик меъёрларининг энг паст ва энг юқори даражасини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Суғуртани амалга ошириш учун сарфланган жами маблағлар суғурта «махсулот»ининг таннархини ташкил этади. У амадаги меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади ва суғуртачининг харажатлари таркибини аниқлаш учун асос ҳисобланади.

Даромадлар ва харажатлар таркиби, уларни ҳисоблаш кўп жиҳатдан миллий суғурта ҳамда амалдаги солиқ қонунчилиги меъёрларига боғлиқдир. Унга, шунингдек, даромад(фойда) солиғининг солиқ базасини аниқлаш услуби ва ставкалари ҳам таъсир этади.

Таъкидлаш лозимки, суғурта фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, унинг ўзига хос томонларини тадқиқ этишни, хусусан:

- суғурта фаолиятидан олинган натижани солиққа тортиш базасини аниқлашда даромадлилик меъёрларининг ўзгаришини солиққа тортишга бўлган таъсирини ўрганиб боришни;

- суғурта ташкилотининг жами даромад ва харажатлари таркибини аниқлаштиришни, уларни ўрнига қараб таснифлашни ҳамда солиқ базасини аниқлаш услубияти, шунингдек, солиқ ставкаларининг уларга бўлган таъсирини таҳлил этишда комплекс ёндашувни талаб қилади.

Бу жараёнда суғурта ташкилотлари даромади(фойдаси)ни солиққа тортиш базасини аниқлашнинг таклиф этилаётган услубияти ва уни қўллаш амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Мамлакатимизда суғурта ташкилотлари даромади(фойдаси)ни солиққа тортиш базасини аниқлаш услубиятини такомиллаштириш давр талабидир. Шу нустай назардан диссертация ишида муқобил солиққа тортиш механизми, хусусан, халқаро амалиётдаги тажриба атрофлича тадқиқ қилинди ҳамда уни мамлакатимизда жорий этишнинг асослари ишлаб чиқилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, суғурта ташкилотларини солиққа тортишнинг амалда бўлган тизими, биринчидан, даромадларнинг бюджетга барқарор тушумини таъминлай олмаётган бўлса, иккинчидан, суғуртачиларнинг иқтисодий фаолликларини ошириш борасида қутилган самарани ҳам бера олмаётти.

Солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга тушумини таъминлаш, шунингдек, суғурта ташкилотларининг солиқ тўловларини амалга оширишлари жараёнида томонлар манфаатларини мувофиқлаштириш зарурияти суғурта фаолиятини солиққа тортиш масаласини янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда.

Суғурта ташкилотларини даромад(фойда) солиғига тортиш, уни турли йўллар билан минималлаштириш натижасида ўзининг фискал вазифасини бажара олмаётти. Бугунги кунда суғурта ташкилотлари томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад(фойда) солиғининг ҳисобланган суммаси суғурта бадалларининг ўсиш ҳажми ва суръатига мос келмаётти. Бу ҳолат ўз навбатида, суғурта фаолиятини солиқ механизми орқали бошқаришда янги ёндашувни талаб этади.



Реал пул оқимини назорат қилишнинг мураккаблашуви даромад(фойда)ни солиққа тортишдан яширишга йўл очмоқда, шунингдек, суғурта ташкилотининг даромад(фойда) олиш имкониятларини тўлиқ ишга солинмай қолинишига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида амалдаги солиққа тортиш тизимининг олдига қўйилган (солиқ юкнини адолатли тақсимлаш,

бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш каби) вазифалар белгиланган даражада бажарилиши қийинчилик билан кечмоқда.

Юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар суғурта ташкилотининг асосий фаолиятдан ундириладиган даромад(фойда) солигининг ўрнига суғурта бадалларидан солиқни жорий этиш (диаграммага қаранг) мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда.

#### Диаграмма

Ўзбекистонда ундирилиши таклиф этилаётган суғурта бадалларидан солиқнинг даромад(фойда) солиғига нисбати (1999-2004 йй.)



Манба: Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган (2004 йил кўрсаткичлари экстраполяция маълумотларидир).

Таъқиқ этилган 1999-2003 йилларда суғурта ташкилотлари томонидан жамланган суғурта бадаллари суммасининг ўсиши кузатишга бўлса, улар томонидан тўланган қопламанинг суғурта бадалларидаги салмоғи мос равишда 27,3; 32,6; 20,3; 11,3; 8,6 фоизларни ташкил этганлиги аниқланди. Суғурта ташкилотларининг келтирилган йиллар бўйича ҳисобланган даромад(фойда) солигининг миқдори мос равишда 0,21; 0,65; 1,10; 1,45; 1,53; 1,62 (2004 йил бўйича прогноз) млрд. сўмни ташкил этади. Суғурта ташкилотларининг солиққа тортиладиган даромадлари суммасининг келтирилган йилларда кузатишга барқарорлиги суғурта фаолияти ривожланиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимиз солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг стратегик йўналиши солиқ ва имтиёзлар нисбатини оптималлаштиришни назарда тутаяди. Албатта, солиқларнинг асосий - фискал, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифаси бажарилишини таъминлаш солиқ тизимини бозор муносабатлари талабларига мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Суғурта бадалларидан солиқни жорий этишда суғурта классларига кўра унинг табақалаштирилган ставкасини қўллаш, аниқ вақтда, суғурта ташкилотининг инвестиция ва бошқа (қонунчиликда ман этилмаган) фаолиятдан олган даромадларини даромад(фойда) солиғига тортиш

механизмини сақлаб қолиш зарур. Ушбу таклиф этилаётган солиқ тури суғурта фаолиятдан ундириладиган асосий солиқ бўлишини белгилаб қўйиш лозим.

Суғурта бадалларидан солиқни жорий этиш бир томондан, давлатнинг барқарор даромад олишини таъминласа, иккинчи томондан, суғурта ташкилоти учун солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг янги тартиби қарор топишига олиб келади, уларнинг солиқ инспекциялари билан юзага келиши мумкин бўлган ёндашувларидаги фарқ йўқолади.

Бу солиқни жорий этишда дуч келинадиган муаммолардан бири суғурта ташкилотининг сотувдан ташқари даромадларини солиққа тортиш масаласидир. Суғурта бадалларидан солиқни жорий этишнинг дастлабки йилларида бундай даромадлар суммаси жами даромаднинг 20 фоизидан ошмаган ҳолларда уларни солиққа тортишдан озода қилиш мақсадга мувофиқдир. Аммо бу белгиланган даражани аниқлаш маълум сарф-харажатларни талаб этади ҳамда уни фақат йил якунига кўра ҳисоблаб чиқиш мумкин. Шунингдек, бу даромадни аниқлаштириш борасида амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларнинг кўлами ҳам кенгаир.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, сотувдан ташқари даромадларни одатдагидек, даромад(фойда) солиғига тортиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда ундирилиши таклиф этилаётган суғурта бадалларидан солиқни:

- солиққа тортиш базасини суғурта операциялари ҳажмига кўра ҳисоблаш;

- суғурта бадаллари тушумини мазкур солиққа тортишнинг объекти сифатида қараш;

- суғурта турларига кўра солиқ ставкасини табақалаштириш каби тамойилларга асосланиб жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Суғурта бадалларидан солиқни жорий этиш суғурта ташкилотларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилгандир. Бунда:

- суғурта бадалларидан солиқнинг ставкаларини оптималлаштириш орқали суғуртачилар манфаатини ҳисобга олиш, айни вақтда, бюджет даромадларини орттириш асосида солиқ юки тақсимотини мувофиқлаштириш;

- солиққа тортиш базасини аниқлаш ва унинг назоратини соддалаштириш;

- барча суғуртачиларга алоқадорлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, солиққа тортишнинг адолатлилигини ошириш;

- суғурта бозори сегментларининг ошқоралашуви кабилар таъминланади.

Бизнинг фикримизча, суғурта ташкилоти ундирилган суғурта бадалларининг барча суммасидан (риск трансформацияси амалга оширилганлиги ёки оширилмаганлигидан қатъий назар) белгиланган ставкаларда солиқ тўлаши лозим. Қайта суғурталовчи ташкилот ҳам ўз навбатида қайта суғурталашга қабул қилинган рисклар бўйича бадаллар ҳисобидан мазкур солиқни тўлаши керак. Суғурта бадалларидан солиқни

жорий этишда унинг салбий оқибатларини бартараф этилишини таъминлаш учун бoшқа қатор омилларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Таклиф этилаётган солиқ ўз иқтисодий моҳиятига кўра, айланмадан ундириладиган солиқнинг бир туридир. Шу нуқтаи назардан у суғурта хизматининг қийматини оширувчи омил сифатида талқин этилиши мумкин.

Статистик маълумотларга асосланиб, қайда этиш лозимки, суғуртанинг кўп турлари бўйича амалга оширилган қопламалар ундирилган бадаллар суммасига нисбатан паст фоизларни ташкил этади. Шу сабабли, тарифларни ошириш эмас, балки уларнинг таркибини ўзгартириш мантиқан тўғри бўлади.

Умумий суғурта соҳасининг турлари бўйича тарифларнинг даромадлилик кўрсаткичининг юқори эканлиги уларни оширмаслик имконияти мавжудлигини кўрсатади.

Ҳаётни суғурта қилиш тармоғи турлари бўйича тўланган индивидуал суғурта бадалларининг захирада жамғарилиши жараёнида бу солиқнинг қўлланилиши ўз моҳиятига кўра келгусида амалга оширилиши назарда тутилган қопламадан чегирма ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бу солиқнинг ҳаётни суғурта қилиш тармоғи бўйича қўлланиладиган ставкаси умумий суғурта тармоғидагига нисбатан паст даражада белгиланиши давлат манфаатларига мос келади ҳамда жамиятнинг инвестиция ресурси бўлган ҳаёт суғуртаси захирасига ажратмалар камайишига сабаб бўлмайди. Солиққа тортиш борасидаги бундай имтиёزلарни узоқ муддатга тузилган суғурта шартномаларига нисбатан қўллаш тўғри бўлади.

Суғурта ижтимоий функцияни ўзида мужассам этган институционал соҳа ҳисобланади. Айниқса, ҳаётни суғурта қилиш тармоғи орқали жамланган суғурта захираларини инвестицияга жойлаштиришдан бюджет кўпроқ манфаат кўради.

Аммо шунга қарамасдан, суғуртанинг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, даромад(фойда) солиғи ўрнига суғурта бадалларидан солиқни жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Янги солиқ турини жорий этишда унинг максимал ва минимал ставкалари миқдорини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ҳаётни суғурта қилиш тармоғида шартнома бекор қилинган ҳолларда имтиёзлар ҳам истисно этилиши шарт.

Шундай қилиб, суғурта фаолиятини солиққа тортиш тизимини ҳамда солиқ ставкасини оптималлаштириш бу борадаги тадқиқотларни комплекс равишда олиб боришни талаб этади.

### III. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири бўлган суғурта фаолиятини тадқиқ этиш натижалари қуйидаги хулосалар чиқаришимизга асос бўлди:

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар даврида суғурта фаолиятининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Бозор

инфратузилмасининг таркибий қисми бўлган суғурта фаолиятининг ўзгариши, кўлами ва йўналиши кенгайиб бораётганлиги, уни стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

2. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суғурта фаолиятининг иқтисодий-ҳуқуқий базасининг яратилиши унинг ривожланиши учун объектив шарт-шароит туғдирди. Шунингдек, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Суғурта фаолияти равнақида 2002 йилнинг 5 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни муҳим аҳамият касб этмоқда.

3. Суғурта ташкилотларининг ташкилий-иқтисодий асосларини ўрганиш шуни кўрсатдики, давлат капитали иштирокидаги ихтисослашган суғурта ташкилотларининг ташкил этилиши суғурта фаолияти ривожда салмоқли ўринга эга бўлди. Аммо суғурта фаолиятининг янада ривожланиши учун катта имкониятлар мавжудлиги ҳамда сифатли суғурта хизматига бўлган талаб юқори бўлишига қарамасдан, бундай талаб тўлалигича қондирилмасдан қолмоқда.

4. Мамлакатимизда суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъи назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатта даромад(фойда) солиғи тўлашдан озод этилиши бунинг амалий далилидир.

5. Товар ишлаб чиқарувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) субъектларнинг суғурта хизматидан фойдаланишларини рағбатлантириш, яъни ихтиёрий суғуртанинг турлари бўйича сарфланган харажатларининг маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритилиши уларнинг суғурта фаолиятдан фойдаланишдаги фаоллигини оширишнинг омили бўлмоқда.

6. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда суғурта ташкилотлари томонидан бюджетга тўланиши лозим бўлган даромад(фойда) солиғининг ҳисобланган суммаси суғурта бадалларининг ўсиш ҳажми ва суръатига мос келмайди. Шу нуқтаи назардан суғурта фаолиятини солиқ механизми орқали тартибга солиш муаммосини ҳал этиш янги ёндашувни талаб этмоқда.

7. Халқаро тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бозор инфратузилмаси суғурта инфратузилмасини шакллантириш билан бир бутунликда кечадиган жараёндр. Ўзбекистонда суғурта инфратузилмасининг шакллантирилиши бирмунча ўзгача кечмоқда. Хусусан, суғурта инфратузилмасида алоҳида мустақил фаолият кўрсатиши лозим бўлган суғуртачи, суғурта воситачилари, аудиторлари, суғурта объектларини баҳоловчилари ва экспертлари, хорижий амалиётдагидан фарқли равишда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг ўзига бириктирилган.

8. Шулар билан бир қаторда мамлакатимизда суғурта соҳасида қуйидаги ташкилий ишлар амалга оширилмаганлиги, яъни:

- суғурта фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланувчи суғуртачилар бирлашмаси-ассоциацияси ёки техник хизмат ташкилотларининг ташкил этилмаганлиги, суғуртачилар томонидан ўз “маҳсулот”и тарифини аниқлаш ҳамда уларнинг мижозлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиришда мураккабликлар туғдираётганлиги;

- мамлакатимизда ҳозирга қадар суғурта ташкилотларининг рейтинг кўрсаткичлари ҳам мукамал ишлаб чиқилмаганлиги, шунингдек, суғурта ташкилоти томонидан маркетинг-реклама тадбирлари суст олиб борилаётганлиги, суғурталанувчининг суғуртачини объектив танлаш имкониятлари чекланганлиги;

- Ўзбекистонда қайта суғурталаш билан шуғулланувчи суғурта ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш секинлик билан кечаётганлиги, суғурта инфратузилмасининг ёрдам кўрсатувчи маслаҳатчи фирмаларининг фаолиятлари ҳам талаб даражасида эмаслиги, бир томондан, мижозлар учун суғурта ташкилотини танлаш, иккинчи томондан, суғуртачилар учун суғурта объекларининг дастлабки экспертизасини амалга ошириш ва кўрилиши эҳтимол бўлган зарар кўламини аниқлаш жараёнининг қийин кечаётганлиги;

- суғурта соҳаси инфратузилмасининг муҳим қисми бўлган махсус нашр органи фаолияти йўлга қўйилмаганлиги, суғурта тўғрисидаги илмий ахборотлар банкининг шакллантирилмаганлиги, таҳлилий мониторингнинг йўлга қўйилмаганлиги;

- суғурта соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилмаганлиги, унинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжи қондирилмаётганлиги суғурта фаолиятининг самарадорлигини оширишга салбий таъсир этмоқда.

Диссертация мавзусининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уни атрофлича ўрганиш натижалари мамлакатимизда суғурта фаолиятини ривожлантириш юзасидан қуйидаги тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишимизга асос бўлди:

1. Суғурта ташкилоти даромадларини асосий фаолиятдан (суғурта бадаллари ҳисобидан) ҳамда инвестиция ва бошқа фаолиятлардан олинган даромадларга гуруҳлаш мақсадга мувофиқдир. Шунда суғурта ташкилоти томонидан кўрсатилаётган асосий фаолият натижаси(фойда ёки зарар)ни аниқлаш имконияти ортада ҳамда унинг кўлами аниқ намоён бўлади.

2. Суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарар суммасини аниқлашга хизмат қилувчи андеррайтерлик фаолиятининг йўлга қўйилиши суғурта қопламасини тўлашиш ҳамда уни сунъий оширилишига йўл қўймасликни таъминлайди.

3. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, асосий суғурта фаолиятига суғурта бадалларидан солиқни жорий этиш ҳамда унинг ставкасини табақалаштирилган ҳолда қўллаш лозим. Бу жараёнда йирик суғурта компанияларининг инвестиция ва бошқа фаолиятларидан олган



даромадларини даромад(фойда) солиғига тортиш, кичик суғурта ташкилотларининг бошқа фаолиятларидан ягона солиқни ундириш мақсадга мувофиқдир.

4. Суғурта бадалларидан солиқ турина жорий этиш суғурта ташкилотининг асосий фаолиятини кўрсатиб турувчи реал солиққа ўтиш ҳисобланади. Суғурта ҳодисаси юз бериш ёки бермаслигига кўра суғурта қопламасини тўлашнинг илмий асосланганлик (ўрганилган, ҳисобланган, аниқланган) меъёрини белгилаш ва кўрилган зарарни суғурта ташкилотининг захира фондидан тўлаш мақсадга мувофиқдир. Захира маблағларининг этишмаслиги ҳолатида эса, суғурта ташкилотида қолган даромад ҳисобидан унга ажратма меъёрини қайта кўриб чиқиш зарур.

5. Мамлакатимизда суғурта фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаштириш унинг истиқболини белгилаб берувчи омил эканлигидан келиб чиқиб, 2004-2012 йиллар давомида Ўзбекистонда суғурта фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Уни ишлаб чиқишда қуйидаги:

- суғуртанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғини 2007 йилда 1,0-2,0; 2012 йилда 2,0-4,0 фоиз даражасида бўлишга эришиш;

- мамлакатда суғурта хизматига бўлган талабни тўла ўрганиб борилишини таъминлаш орқали суғурта соҳаларининг класслари бўйича хизматлар кўламини янада кенгайтириш;

- суғурта фаолиятини ривожлантириш ва уни рағбатлантирувчи шарт-шароитни яратиш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, мазкур хизматни самарали ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш борасида субъектлар фаоллигини ошириш каби устувор йўналишларни эътиборга олиш лозим.

6. Мамлакатимизда суғуртани ривожлантириш борасида орттирилган тажрибага асосланиб, суғурта фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ишини такомиллаштириш ва унинг ваколатини янада аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

7. Суғурта фаолиятини назорат қилиш бўйича давлат сиёсатининг тамойилларини белгилаб олиш, шунингдек, суғурта фаолиятини лицензиялаш ҳамда суғурталашни амалга ошириш бўйича ягона услубий таъминотни ишлаб чиқиш, суғуртачиларнинг молиявий ва статистик ҳисоботларининг амалиётда қўлланиб келинаётган шаклини суғурта фаолиятининг янги классификаторига мослаштириш зарур.

8. Ўзбекистон Республикасида 2002 йилнинг 28 майдан амалиётга жорий этилган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида халқаро амалиёт тажрибасига асосланиб, суғурта икки тармоққа бўлинган. Навбатдаги вазифа Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 52-бобида баён қилинган суғурта соҳаларини у билан ўзаро мувофиқлаштиришдан иборатдир.

9. Суғурта бозори инфратузилмасини шакллантиришни давом эттириш ва уни янада ривожлантириш ҳам муҳимдир.

#### IV. ДИССЕРТАЦИЯ МАВЗУСИ ВА НАТИЖАДАРИ БЎЙИЧА НАШР ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛААР РЎЙХАТИ

1. Баймуратов Т.М. Проблемы и перспективы развития страхового предпринимательства в Узбекистане. // Бозор муносабатлари шароитида суғурта тизимини такомиллаштириш муаммолари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. — Т., 2000. 17-20 бетлар.

2. Кенжабоев О., Баймуратов Т.М. Суғурта компаниялари фаолиятини такомиллаштиришда информаион технологиялардан фойдаланиш назарияси ва амалиёти. // Бозор муносабатлари шароитида суғурта тизимини такомиллаштириш муаммолари: Республика илмий-назарий конференция материаллари. — Т., 2000. 21-23 бетлар.

3. Баймуратов Т.М. Суғурта: молиявий барқарорлик ва истиқбол. // Солиқ тўловчининг журнали. 2001. 3-сон. 36-37 бетлар.

4. Баймуратов Т.М. Суғуртавий кафиллик хизмати бозори: рисклар трансфери ва трансформацияси. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2001. 3-сон. 23-24 бетлар.

5. Баймуратов Т.М. Суғурта тизимида маркетинг ва мониторинг дастурлари ишлаб чиқишлиши. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2001. 4-5-сон. 29-бет.

6. Баймуратов Т.М. Проблемы и перспективы страхового бизнеса - как объекта налогообложения. // Ж. Достижения науки и техники АПК. - М., 2001. № 8. с. 33-34.

7. Баймуратов Т.М. Бухгалтерский учет и налогообложение операций по страхованию. // Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида янги сўтлар режасини амалиётга жорий этиш муаммолари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Т., 2002. 58-бет.

8. Баймуратов Т.М., Хамидов Л.Э. Налогообложение операций по страхованию в условиях либерализации экономики. // Ж. МГОУ-XXI-НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ. - М., 2002. № 5/6. с. 36-38.

9. Абдуллаев Ё., Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятини солиққа тортишда дунё талаблари даражасига эришиш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2003. 3-сон. 50-51 бетлар.

10. Баймуратов Т.М., Иминохунов А.А. Налогообложение страховой деятельности в Узбекистане: современное состояние и перспективы. // Ж. Актуальные проблемы современной науки. - М., 2003. № 4. с. 59-60.

11. Баймуратов Т.М. и др. Налоговой механизм регулирования страховой деятельности в Узбекистане. // Тезисы докладов. Шестнадцатые международные пехановские чтения. (26 апреля 2003 г.) - М.: Изд-во РЭА, 2003. с. 368-369.

12. Баймуратов Т.М., Халимбетова Г.М. Страховой рынок - первые шаги. // Журнал налогоплательщика, 2003. № 7. с. 59.

13. Баймуратов Т.М. Суғурта фаолияти. У хорижда қай тарзда солиққа тортилади? // Солиқ тўловчининг журнали, 2003. 8-сон. 42-44 бетлар.

14. Baymurotov T., Jumayev N. Dunyoning yirik sug'urta kompaniyalari globallashuvi. // O'zbekiston Iqtisodiy axborotnomasi, 2003. 10-son. 52-bet.

15. Баймуратов Т.М. ва бошқалар. Полис - “ваъда” дегани. Суғурта ташкилотларининг инвестицион фаолияти: муаммо ва истиқболлар. // Солиқ тўловчининг журнали. 2003. 11-сон. 52-55 бетлар.

16. Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолиятини солиққа тортиш: муаммо ва ечимлар. // Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. — Т., 2004. 276-279 бетлар.

Тадқиқотчи:

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Т.М.Баймуратовнинг  
08.00.07 - «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича  
«Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмини  
такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг

## Қ И С Қ А Ч А М А З М У Н И

**Калитли сўзлар:** суғурта, суғурта муносабатлари, суғурта фаолияти ва унинг субъектлари, риск, риск трансфери ва трансформацияси, суғурта фаолияти классификатори, суғуртанинг тармоқлари, суғурта тарифи, суғурта бадалаи, суғурта полиси, суғурта қопламаси, суғурта захираси, суғурта ташкилотининг даромад ва харажатлари, солиқлар, солиқ механизми, солиққа тортиш базаси, солиқ имтиёзлари, суғурта бадалларидан солиқ, солиқнинг самарадорлик коэффициенти, солиқ ставкалари.

**Тадқиқот объеклари:** Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари.

**Ишнинг мақсади:** Мамлакатимизда суғурта фаолиятининг муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари, хусусан, уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методлари:** тизимли-таркибий, функционал, қиёсий, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** суғуртанинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, бу фаолиятнинг ҳозирги ҳолати, уни давлат томонидан тартибга солиш механизми ўрганиб чиқилган ва такомиллаштириш омиллари кўрсатилган; рисклар трансфери ва трансформацияси жараёни тадқиқ этилган; суғурта фаолиятини солиққа тортиш муаммолари ва уларнинг ечимини ишлаб чиқиш, хусусан, мазкур фаолиятдан ундириладиган даромад(фойда) солиғи ўрнига суғурта бадалларидан солиқ турини жорий этиш илмий жиҳатдан асослаб берилган; мавзунинг моҳиятидан келиб чиқиб, халқаро суғурта фаолиятининг иқтисодий-ташкилий жиҳатлари ўрганилган ҳамда такомиллашув йўналишлари аниқланган; мамлакатимизда суғурта фаолиятини самарали ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш йўналишлари асосланган.

**Амалий аҳамияти:** суғурта фаолиятини ривожлантириш ва уни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини бажариш ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари ўз фаолиятларини такомиллаштириш ҳамда стратегик ривожланиш йўналишларини, шунингдек, алоҳида солиқлар бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш, мазкур соҳа бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш борасида кенг қўллаш учун қабул қилинган.

**Қўлланиш соҳаси:** молия, суғурта, солиқлар ва солиққа тортиш.

## Р Е З Ю М Е

диссертации Т.М.Баймуратова на тему: «Страховая деятельность в Узбекистане и совершенствование механизма её налогообложения» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 - «Финансы, денежное обращение и кредит»

**Ключевые слова:** страхование, страховые отношения, страховая деятельность и её субъекты, риск, трансфер и трансформация риска, классификатор страховой деятельности, отрасли страхования, страховой тариф, страховой взнос, страховой полис, страховое возмещение, страховой фонд, доходы и расходы страховой организации, налоги, налоговый механизм, база налогообложения, налоговые льготы, налог на страховые взносы, коэффициент эффективности налога, ставки налога.

**Объекты исследования:** Страховые организации, осуществляющие деятельность в Республике Узбекистан.

**Цель работы:** Изучение и разработка предложений, рекомендаций по проблемам страховой деятельности, в частности, совершенствованию механизма налогообложения.

**Методы исследования:** системный, структурный, функциональный, сравнительный, группировка, индукция и дедукция, анализ и синтез.

**Полученные результаты и их новизна:** изучены социально-экономическая сущность страхования, современное его состояние и механизмы государственного регулирования данной деятельности, определены факторы, влияющие на его совершенствование; исследованы процессы трансфера и трансформации риска; определены проблемы налогообложения страховой деятельности и пути совершенствования данного механизма, в частности, даны научно обоснованные предложения по замене существующего налога на доходы(прибыль) налогом на страховые взносы; исследованы и сопоставлены экономико-организационные основы международной страховой деятельности, изучены проблемы страховой деятельности Узбекистана и разработан ряд научных предложений по их стратегическому развитию.

**Практическая значимость:** определяется применением результатов исследования в процессе страховой деятельности и совершенствования механизма её налогообложения, осуществлением научно-исследовательских работ в данном направлении и учебном процессе.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** использованы в процессе совершенствования деятельности и определения направлений стратегического развития страховых организаций Узбекистана, а также при разработке инструкций по определенным налогам, в подготовке кадров по данным направлениям и специальностям.

**Область применения:** финансы, страхование, налоги и налогообложение.

## RESUME

T.M.Baymuratov's thesis for submitting to a candidate's degree in economic science: specialty 08.00.07 - "finance, monetary circulation and the credit" subject: "Insurance activity in Uzbekistan and improvement of its taxation mechanism"

**Key words:** insurance, insurance relations, insurance activity and its subjects, transfer and transformation risks, insurance activity qualifier, insurance branches, insurance tariff, insurance premiums, insurance policy, insurance compensation, insurance fund, insurance organization incomes and expenditures, taxes, tax mechanism, taxation base, tax privileges, tax on insurance premiums, tax effectiveness coefficient, tax rate.

**Objects of research:** the insurance organizations carrying out activity in the Republic of Uzbekistan.

**Aim of the work:** Researching and working out proposals, recommendations on insurance activity problems, in particular, improvement of taxation mechanism.

**Methods of research:** systematical, structural, functional, comparative, and grouping, an induction and deduction, analysis and synthesis.

**The results achieved and their novelty:** the social and economic essence of insurance, state regulations in contemporary conditions and mechanisms were investigated, factors influencing on its improvement were determined; processes of a transfer and transformation risks were investigated; given mechanism ways and their improvement were developed on the scientifically proved offers on replacement of the existing tax to incomes (profit) with the tax to insurance payments, in particular, were given; economic-organizational bases of the international insurance activity were considered and compared, problems of insurance activity in Uzbekistan were investigated and a number of scientific offers on its strategic development were presented.

**Practical value:** is determined by implementation in the process of insurance activity strategic development definition of the insurance organizations in Uzbekistan, and also while elaboration of instructions under the certain taxes, in a professional training on the given directions and major specialties formation.

**Sphere of usage:** finance, insurance, taxes and the taxation.